

2026 йил 22 январь, 14-сон

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛДИ



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Судьялар олий кенгаши раиси



Шарҳ

“

Конституциявий суд мамлакатимиз тақдири, келажаги ва тараққиёти билан бевосита боғлиқ ўта муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Бошқа бирор-бир орган ёки тузилмага бундай ваколат берилмагани Конституциявий суднинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва роли нақадар юқори эканини кўрсатади.



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ана шундай муҳим ҳуқуқий асослардан. Фармон мамлакатимизнинг конституциявий ҳуқуқий сиёсати, хусусан, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиси — қонун устуворлигини таъминлашда конституциявий назорат институтининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Конституциявий суднинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни ва роли, ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гап кетганда, мамлакатимиз ҳуқуқ тизимидаги тарихий воқеа — 2023 йилда ўтказилган конституциявий ислохотлар даврига назар ташлаш тўғри бўлади. Худди шу йил мамлакатимиз қонунчилиги тарихида конституциявий ислохотлар йили сифатида ҳам муҳрланди.

Конституциявий суд фаолияти билан боғлиқ иккита тарихий суд мажлисини алоҳида келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Биринчиси — 2023 йил 13 март куни Конституциявий судда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси бўйича “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги нияҳтада муҳим масала очiq суд мажлисида кўриб чиқилди.

Иккинчиси — 2023 йил 5 декабрь куни Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонунга мувофиқ, конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан мамлакатимиздаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида Олий Мажлис палаталарига ва Президентимизга ҳар йили тақдим этиладиган ахборот кўриб чиқилди.

Мазкур Конституциявий суд ахбороти мамлакатимиз тарихида биринчи марта очiq суд мажлисида кўриб чиқилгани, унда кўтарилган масалалар конституциявий қонунийлик муҳитини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Конституциявий суд Асосий қонунимизнинг мамлакатимизнинг бутун ҳудудида тўғридан тўғри амал қилиши, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъи назар қўлланишига эътибор қаратди.

Асосий қонунимизнинг нормаларини тўлақонли амалга ошириш бўйича давлат органлари олдига кенг қўламли ва масъулиятли вазифалар қўйилиши ҳамда айни пайтда уни тўғридан тўғри қўллаш билан боғлиқ

айрим масалалар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Конституциявий суд мамлакатимиз тақдири, келажаги ва тараққиёти билан бевосита боғлиқ ўта муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Бошқа бирор-бир орган ёки тузилмага бундай ваколат берилмагани Конституциявий суднинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва роли нақадар юқори эканини кўрсатади.

Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, биринчи навбатда, Конституция устуворлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлигига таъсир этаётган омилларни ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида аниқлаш ва тезкор чора кўришни тақозо этади.

Мана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, мазкур фармон жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мужолат қилиш институти янада ривожланиши, конституциявий одил судловни таъминлашнинг янги босқичга олиб чиқишда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Фармонда Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор устувор мақсадлар назарда тутилган. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий одил судловга эришиш, бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имкониятларини кенгайтириш; фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатлари (шикоятлари)ни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, ортқча бюрократик тўсиқлар ва оврагарчиликларни бартараф этиш; Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш орқали ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатиш шулар жумласидан.

Шунингдек, конституциявий суд ишларини юритиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш орқали Конституциявий суд фаолиятида шафдофликни ошириш, Конституциявий суднинг конституциявий қонунийликни таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш, фаолиятида Конституцияда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишига йўл қўймаслик, уларни бузишнинг ҳар қандай ҳолатлари бўйича тезкор ва қатъий чоралар кўриб бориш масъулиятини оширади.

Айниқса, конституциявий суд ишларини юритиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш айни пайтдаги ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти натижасида ўзгараётган ҳаётнинг трансформациялашув ва интеграция жараёнида нияҳтада муҳим. Одил судлов тизимида рақамлаштириш, жумладан, энг сўнгги, замонавий технологик дастурларни жорий этиш зарурати мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фармонда Конституциявий суд фаолиятини замон талабларига мослаштириш, суд органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш

ҳамда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш муҳим вазифалар этиб белгиланди.

Фармонда назарда тутилган Конституциявий суднинг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотида қайд этиладиган тақлиф ва тавсияларни амалиётга жорий этишининг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга оид Олий Мажлис палаталари ва Конституциявий суднинг қуйидаги тақлифлари:

— ахборотда қайд этилган тақлиф ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан чора-тадбирлар режасини Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқлаш ҳамда унинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш;

— масъул давлат органлари томонидан Олий Мажлис палаталари кенгашлари тасдиқлаган чора-тадбирлар режасида назарда тутилган топшириқлар ижроси юзасидан белгиланган муддатларда Олий Мажлис палаталари ва Конституциявий судга ахборот киритиш масаласи — Конституциявий суд томонидан Конституция ва қонунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлиги тизимли равишда ўрганиб ва таҳлил қилиб бориш имкониятини кенгайтирилади.

Ҳужжатда Конституциявий судга келиб тушаётган муносабатларни кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича ҳам муҳим қондалар белгиланди. Жумладан, Конституциявий судга тўғридан тўғри муносабат қилиш ҳуқуқи субъекти бўлмаган фуқаро ёки юридик шахс томонидан Конституциявий судга таллуқли масала юзасидан йўлланган муносабатни энди Конституциявий судга муносабат қилиш ҳуқуқи эга бўлган субъектга юбориш белгиланди.

Бунда Конституциявий судга муносабат қилиш ҳуқуқи эга бўлган субъект томонидан фуқаро ёки юридик шахснинг муносабатиди масала Конституциявий судга киритилмаган ҳолатларда муаллифга унинг муносабатиди масалани Конституциявий судга киритишга асос мавжуд эмаслигини тушунтирган ҳолда хабар бериш ва Конституциявий судга ахборот тақдим этиш амалиёти жорий этилмоқда.

Бу Конституциявий судга фуқаролар билан яқиндан ишлаш, амалий ва узлуксиз мулоқот қилиш, айниқса, уларнинг муносабатларини бевосита қабул қилиш жараёнида ортқча бюрократия ёки сансалдорликлар, турли оврагарчиликларнинг олдини олиш учун янги ва самарали механизмлар яратилишига замин яратди.

Фармонда белгиланган вазифалар Конституциявий суд фаолияти самарадорлигига ҳуқуқий асос бўлиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашга хизмат қилади.

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН МУҲИМ ВОҚЕА

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИГА ОИД ҲАР БИР ТАКЛИФ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

— Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг энг эътиборга молик хусусияти давлат, жамият, халқ ҳаётига дахлдор масалалар халқ билан бирга муҳокама қилиб борилаётганидир, — дейди А.Турдиев. — Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқ билан муҳокама жараёнида такомиллаштирилди. Барча соҳалар қайта кўриб чиқилипти, бунда самарадорлик кўрсаткичлари ўсиб борувчи тамойилга асосланипти. Мана шу жараёнда кўрпимизки, бутун дунёда билим ва инновацияларга асосланган рақобат муҳитида рақамли технологиялар (сунъий интеллект, киберхавфсизлик, маълумотларни бошқариш соҳалари) ривожланиб

ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини узлуксиз тизимга айлантириш кўзда тутилган.

Президент, иқдор ва ихтисослаштирилган мактаблардаги баҳолаш тизимини мамлакатимиздаги барча мактабларга жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Мақсад — субъектив баҳолашдан воз кечиб, ўқувчининг билим ва кўникмасини ҳолис баҳолашга ёрдам бериш. Бинобарин, PISA ва бошқа халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар матни ўқиб, ундан хуноса чиқаришда қийналмоқда. Янги баҳолаш тизими эса ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Қолаверса, дастлаб бу тажриба 500 та мактабда бошланганда, ўқувчилар ўзлаштириши яхшилланган. Бугунги кунда 3400 та мактаб янги баҳолаш тизимига ўтган ва ўқувчиларнинг



Ислохот одимлари



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



борапти. Таълимда ҳам мана шу тенденцияларни инобатга олган ҳолда стратегияда мутахассисларимиз билан биргаликда янги марраларни, янги вазифаларни олдимизга белгилаб оляптим.

Инсон капиталининг шаклланиши мактабга таълимдан бошланади. Шунинг учун бугун болалар боғчалари сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратиляпти.

Соҳага алоҳида ёндашув натижасида мамлакатимизда ислохотлар бошланган даврда мактабга таълимга қамрови 27 фоиз бўлган бўлса, бугун 78 фоизга яқинлашди. Бу айтишгагина осон. Чунки бунинг ортида қанчадан қанча ислохот, қанча меҳнат турганини ҳамма яхши англаб, хис қилиб турибди. Стратегияда бу рақамларни янада ошириш, 2030 йилга бориб, барча болаларни боғчага тўлиқ қамраб олиш масаласи вазифа сифатида киритилди. Айни пайтда давлат боғчалари 7 мингдан ошган бўлса, хусусий сектор (оилавий боғчалар билан бирга) 30 мингга яқинлашди.

Рақамларгина эмас, улар билан биргаликда мактабга таълимдаги, тарбиядаги сифат ҳам ошиб бориши инобатга олинапти. Бугуннинг ўзида болаларини мажбурий мактабга тайёров курсларига 98 фоиз қамраб олингани ҳолда бу кўрсаткич кейинги йилларда янада ошиб бориши мақсад қилинган.

Мактабга таълим муассасаларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, гигиена воситалари, умуман, санитария қондалари асосида қайтадан кўриб чиқиш масалалари ҳам стратегияда ўз ифодасини топган. Чунки қулай шароит бўлмаса, натижага эришиш қийин.

Мактаб таълими тизимида бошланган ислохотлар эса самарадорлиги ошган ҳолда изчил давом этади. Бу нималарда кўзга ташланмади? Аввало, педагоглар салоҳиятида. Zero, таълим сифати педагоглар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, 2030 йилга қадар 500 минг педагогнинг малакасини ошириш режалаштириляпти. Шунингдек, Сингапур тажрибасига таяниб,

ўзлаштириш даражаси 53 фоиздан 72 фоизга ошгани ҳам тажриба ўзини оқлатганини кўрсатади.

Умумтаълим мактабларига хорижий тил мутахассисларини жалб қилинапти. Айни пайтда улар сони 1,5 мингдан ортган бўлса, 2030 йилга бориб, ҳар йили 1000 нафар хорижий тил эгасини олиб келиш мақсад қилинмоқда. Zero, таҳлиллар тил эгалари келгани ҳисобига мактаб ўқувчиларининг хорижий тил сертификатига эга бўлиш даражаси 5 баробар ошиб, 53 минг нафарга етганини кўрсатяпти.

Янгиланаётган стратегияда мактаб таълимида ҳам хусусий секторга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳозирги кунда 700 дан ортқ хусусий мактаб фаолият юритяпти. 2030 йилга қадар ўқувчиларнинг 10 фоизини хусусий секторга жалб қилиш масаласи кўрилиб, бунинг учун давлат бюджетидан 1 триллион сўм ажратилди.

Айни пайтда Ўзбекистондаги 11 мингга яқин мактабда 6,7 миллион ўқувчи таҳсил олмақда. Барча ҳудудда шароит бирдек эмас, ўқувчиларнинг мактабга қатнаши билан боғлиқ муаммолари мавжуд кишлоклар бор. Шундан келиб чиқиб, олис ва чекка ҳудудлардаги мактаблар учун 2030 йилгача яна 175 та автобус етказиб бериш режалаштирилган. Мактаб ва боғчаларни тўлиқ тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена шароитлари билан таъминлаш устувор вазифа.

Янги авлод дарсликларини яратиш ва 1000 та мультимедиа махсулоти ишлаб чиқиш кўзда тутилгани, умуман, юқориди вазифалар ижросидан мақсад таълим сифатини оширишдир.

Ислохотлар муваффақияти жамият фаоллигига боғлиқ. Ўйлаймизки, жамоатчилик назорати ва тақлифлари инобатга олингани ҳолда таълим тизими ҳам йилдан йилга такомиллашиб, ривожланиб боради.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бандлик

Фаргона вилоятида лимон етиштириш ва экспорт қилиш тажрибаси оммалашиб бормоқда. Ўтган мавсумда мазкур йўналишда умумий қиймати 1 миллион доллардан ортқ махсулот экспорт қилинган эди. Жорий мавсумда бу борадаги кўрсаткич салмоғи икки хисса ошди.

МАХСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙДИ

Бир маҳалладаги 800 дан зиёд хонадонда лимон экилган

Лимон етиштириш нафақат сердаромад тармок, балки инсон саломатлиги учун ҳам муҳим. У, аввало, қон тозаловчи табиий восита. Қон босимини тушириш, ошқозон-ичак, гепатит, бавосил, атеросклероз, ўпка сили, бод касалликлари ҳамда нафас йўли шомоллашини даволаш, сийдик йўлидаги тошни эритиш ва тана ҳароратини туширишда лимондан фойдаланилади.

Ўққўприк туманида томорқада лимон етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактабини мавжуд. Ҳозир тумандаги Қурбонқашар, Оқсув, Богбўстон, Олтин водий, Сарикўрган, Тожик, Соёбуғи, Катта қашқар маҳаллаларидаги 3823 та хонадоннинг 766 гектар томорқасида иссиқхона ташкил этилган. Уларда лимон етиштирилмоқда. Бу ерда сарил қўчат ва мева етиштириш, сақлаш ва экспортга чиқариш билан боғлиқ зарурий тизим яратилган.

— Бундан ўн йиллар аввал маҳалламиз ривожланиш ва тараққиётдан ортда қолган, қолоқ ҳудуд сифатида тилга олинарди, — дейди

“Тожик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камолхон Тўрабоев. — Бутун шароит ҳам, одамлар дунёқараш ҳам ўзгарди. Оилаларга фаровонлик кириб келди, томорқа — даромад манбаи деган тушунча оммалашган. Ҳозир маҳалламиздаги 800 дан зиёд хонадонда лимончилик йўлга қўйилган. 2025 йилнинг ўзида 48 та иссиқхона қурилиб, лимон парварishi бошлаб юборилди. 1500 тонна сийғимли совитқич омор қурилди. Бу ҳосили сақлаш, экспорт қилишда қўлайлик яратди. Маҳалламиздаги барча ички қўчалар асфальт қилинди. Ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари якунига етди. Натижада маҳалламиз ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айланди.

Янгилликка интилувчи боғбон, намунали оила соҳиби, “Зиёвуддин ота орузси” боғдорчилик фермер хўжалиги асосчиси ва маҳалла фуқаролар йиғини оксоколи Камолхон Тўрабоев Президентимиз фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

У фермерлик ҳаракати бошланган пайтдаёқ даштдан 2 гектар ер олиб, мевали бoг ташкил

этди. Боғдорчиликка илмий асосда ёндашди. Қадрдон кишлоғидаги экин майдонларида яхши кўкарадиган мевали дарахтларни обдон ўрганди. Шу асосда ўрик, гилос, шафтоли каби меваларнинг сифатли, харидорғир, асосийси, иқлимга мос навларини топиб кўпайтирди. Бу ишларни нафақат уздади, балки бошқаларга намуна бўлиб, маҳалладошларини ортидан эргаштирди.

— Ҳозир боғимиз 10 гектарга кенгайган. Оиламиз билан шу соҳага боғланганмиз. Яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, етиштирган меваларимизни хорижага экспорт қилгилмиз, — дейди Камолхон ака. — Ҳозир тўрт ўғлим ҳам боғбон, ҳам тадбиркор. Биргалиш бoг маҳма қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақловчи музлатқич барпо этдик. Бу жойда нафақат ўзимизнинг, балки қўшни фермер хўжаликларининг ҳосилини ҳам вақтинча сақлаш имконияти бор.

Аҳмаджон Маҳмудов ҳам Тожик маҳаллада яшайди. Томорқасида 10 сотиқ иссиқхона

ташкил этиб, лимон экканига кўп бўлгани йўқ. Аммо ушбу йўналишда ўзига хос тажрибага эга миришкорлардан. У ҳар мавсумда 10 тоннадан ортқ лимон териб оляпти. Бу йилги мавсумда бир килограмм лимоннинг ўлгуржи баҳоси 25-30 минг сўмга етди. Бундан ташқари, дашт ҳудуддаги ерларни ўзлаштириб, 30 сотиқли шафтолизор барпо этди. Икки ўғли ва келинлари шу иш билан машғул. Хўллас, Аҳмаджон ака меҳнат қилиб кам бўлмади. Ферзандлари, набираларини ўқитяпти. Қолаверса, автомашина, боғ орасига ишлов берадиган трактор сотиб олди. Трактор билан маҳалладошларининг боғига ишлов бериб ҳам қўшимча пул топтомоқда.

Козимхон Тўрабоев эса 35 сотиқли иссиқхонада лимон қўчати етиштириб, мўмай даромад олмақда. Оила аъзолари банан ва ананаси маҳаллийлаштириш бўйича салмоқли ютуқларга эришмоқда. Шунингдек, маҳалладаги 420 та хонадонни қамраб олган лимончилик кооперациясини ҳам ташкил этди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 апрелдаги “Республикада лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Ўққўприк туманида 2025 йилда 800 та, 2026 йилда яна 1020 та хонадонни лимончиликка ихтисослаштириш, қўшимча 100 гектар майдонда янги иссиқхоналар ташкил этиш белгиланган, — дейди Ўсимликлар карантини ва химияси Ўққўприк тумани бўлими бошлиғи Ҳусан Турдиев. — Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш, сифатли махсулот етиштириш ҳамда экспорт қилиш жараёнига яқиндан ёрдам кўрсатялмиз. Бу жараёнда ўқув семинари, урғувлар ўтказиш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

“Катта Қашқар” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар йили ўрта ҳисобда 800 тонна лимон ҳосили олинади. Унинг 700 тоннаси МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда. Хонадонларда асосан 2-6 сотиқ, баъзиларида 20 сотиқгача иссиқхоналар барпо этилган. Битта

оила лимончиликнинг ўзидан йилга 75-80 миллион сўмгача даромад олади. Маҳаллада бир неча лимончилик кооперацияси ташкил этилиб, цитрус мевалар қўчати билан таъминлаш, агротехник ва кимёвий ишлов бериш, тайёр махсулотни сотиб олишгача бўлган барча жараёнда томорқачиларга қўмаклашляпти. Яқинда маҳаллада яшовчи қарийб 250 нафар кам таъминланган, ишсиз ёшлар, хотин-қизларга аукцион орқали ижарага 38,1 гектар ер ажратиб берилди. Бу ерда замонавий иссиқхоналар ташкил этишга киришилди. Лимон қўчатлари ҳосилга киргунига қадар эса иссиқхоналарда тўқсонбости экинлар экилади. Бу ҳам қўшимча даромад дегани. Сирасини айтганда, амалий иш тажрибалари кун сайин оммалашиб бормоқда. Натижада лимон етиштириш ҳамжи кескин ошди, сифати яхшиланди, экспорт географияси кенгайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Рақамли иқтисодиёт

ЎЗБЕКИСТОН — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯРАТУВЧИ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТГА АЙЛНАДИ



Санжар ЭШМУРДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ушбу дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича юқори натижаларга эришилаётганини қайд этди. Жумладан, 2025 йил АТ, финтех, сунъий интеллект каби йўналишлардаги маҳаллий стартапларга хориждан 270 миллион доллар инвестиция жалб этилгани, АТ хизматлари экспорти илк бор 1 миллиард долларни ташкил этгани айтилди.

Бу йўлда қатор ривожланган давлатлар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, соҳани замон талабларига мос барқарор ривожлантириш учун Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз ўтган йили декабрда Японияда бўлиб ўтган “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитида “Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “буюмлар интернети”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратиш таклифини илгари сурди.

Қисқаси, Ўзбекистонда рақамлаштириш ҳамда тармоқларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасида исми кўрилмаган ишлар қилинмоқда. Асосийси, бу ижтимоий ҳаёт, халқимизнинг турмуш тарзида намоён бўлмоқда. Соҳадаги ислохотлар билан Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик сунъий интеллект хабига айланиш йўлидан бормоқда.

Рақамли дунёда фаоллик

Болалигида “Алиса гаройиботлар мамлакатида” асарини ўқимаган ёки унинг асосида ишланган мультфильмни томоша қилмаган юртдошимиз бўлмас керак. Унда Алиса исмли қизча куён инига қираман деб бошқа оламга ўтиб қолади ва турли саргузаштларни бошдан кечиради.

Параллел оламлар ҳақидаги бундай асарлар, кино санъати маҳсулотлари доим харидоригир. Умуман, параллел олам мавжудми ёки йўқми деган савол олдида инсоният

иккига бўлинади. Бунга ишонадиганлар ҳам, уни инкор этадиганлар ҳам истаганча топилади. Айримлар бу ҳақда тортишиб, муҳокама қилиб юрган бир даврда, бошқалар янги борлиқни кашф қилиб бўлди. Бу виртуал олам, рақамли дунёдир.

Шиддат билан тараққий этаётган замонавий технологиялар туфайли бугун рақамлаштириш соҳаси қамрови гоят кенгайди. Ҳатто уни одамлар янги борлиқ деб номлай бошладилар. Инсонлар ҳаётига шу қадар кириб борганидан усиз кундалик турмушимизни тасаввур қилолмайдиган бўлдик.

Биргина мисол: қадимда бир инсонга баҳо беришда асосий мезон унинг ташқи кўриниши бўлган. Кейинчалик бундай мезонлар секин-аста кўпайиб борди. Ўқимшиллиқ, ахлоқлиқ, эътиқодлиқ каби сифатлар қўшилди. Шунга кўра, одамлар яхши кийинишга ҳаракат қилди, ўқийди, изланади.

Бугунги рақамли технологиялар даврида эса, инсонларга баҳо беришда яна бир янги мезон пайдо бўлмоқда. Бу кишиларнинг рақамли дунёда қанчалик фаоллигидир. Яъни ижтимоий тармоқларда профиллари мавжудлиги, блоги, электрон почтаси ва бошқа нисбатлардир. Шу боис, бугун ҳамма ўз саҳифасига чиройли сурат жойлаш, доно фикрларни ёзишга уринади. Чунки кимдир ҳақида илк таассуротга эга бўлиш учун одамлар, биринчи навбатда, унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасини кўради.

Нафақат инсонларни баҳолаш, балки давлатларнинг тараққий этиш даражасини билиш учун ҳам ундаги соҳаларнинг қанчалик рақамлаштирилгани, сунъий интеллект дастурий таъминотини жорий этишга тайёр ёки тайёр эмаслигига эътибор қаратилмоқда. Бу мезон бўйича халқаро ташкилотлар турли таҳлилларни ўтказмоқда. БМТнинг қатор ташкилотлари, Жаҳон банки, Жаҳон рақобатбардошлик маркази шулар жумласидан. Шу тарика мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳалар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Жумладан, интернет тезлигини баҳолаш бўйича нуфузли рейтинглардан бири — “Speedtest Global Index”га кўра, Ўзбекистон 2025 йил июнда 71-ўринни эгаллаган.

Сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилади, яъни дунёда 70-ўрин, Марказий Осиёда 1-ўринни қайд этди. Бундан ташқари, мамлакатимиз сунъий интеллектнинг ривожлантириш стратегиясига эга кам сонли ривожланган давлатлар сирасига қиради. Бу борада дадил одимлаётгани билан ҳам ажралиб турибди.

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясида рақамлаштиришнинг аниқ мақсадли кўрсаткичлари ва “йўл харитаси” белгиланган. Хужжатда Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлари ва кўрсатиладиган хизматлари қийматини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳамда сунъий интеллектга тайёрилик индексига етакчи давлатларнинг 50 талиги рўйхатидаги киришига эришиш каби мақсадлар қўйилган.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун мамлакатда керакли инфратузилма яратилиши зарур. Жумладан, сунъий интеллектнинг кенг қамровли ривожланиши



Ўзбекистон салоҳияти 10 миллиард долларга баҳоланмоқда

Компьютер технологиялари ривожланиши, тармоқларни рақамлаштириш жараёни жадаллашувида мамлакатимиздаги АТ паркларининг ўрни катта. Президентимизнинг 2018 йили Ҳиндистонга ташрифи чоғида ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ахборот технологиялари компаниялари билан бирга дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, стартапларни жадаллаштириш бўйича илгор тажрибалари асосида юртимизда ахборот технологиялари паркинни яратишга қизиқиш билдирди.

Шундай қилиб, Президентимиз ташаббуси билан 2019 йил 24 июлда Тошкентда биринчи АТ парки очилди. Ушбу тузилма ўтган даврда стартап лойиҳаларини яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг компьютер технологиялари борасидаги билими ва қўнимасини ошириш, АТ соҳасини ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, стартаплар ва АТ компаниялари учун қулай муҳит яратиш, соҳага инвестиция жалб қилиш, экспортни кенгайтириш борасида қатор ишларни бажарди.

Натижада уч йил олдин 200 миллион долларлик инвестиция ҳисобига қарийб 4 гектар майдонда 20-25 қаватли 6 та офис биноси ва замонавий конгресс-холл барпо этилди. 2025 йил 21 октябрь куни Президентимиз бошчилигида ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичига тамал тоши қўйилди. Энди АТ парки ҳудуди 1,5 баробар кенгайтирилди.

Бу ерда Саудия Арабистонининг “Data Volt” компанияси билан ҳамкорликда қуввати 12 мегаватт бўлган 150 миллион долларлик дата марказ қурилади. Кейинги босқичларда яна 3 миллиард доллар инвестиция кириштириб, қувват 500 мегаваттга етказилади.

Шунингдек, ушбу ҳудудда жами 6 та бино — Сунъий интеллект, Космос ва келажак технологиялари марказлари, 2 та 20 қаватли офис биноси, ҳамда сервис ва савдо объектилари қурилади. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, ушбу тузилма орқали 300 мингдан ортиқ ёшни ахборот технологиялари соҳасинда юқори даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган. Қолаверса, шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та дата марказ, 2 та супер компьютер ва 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилади. Бу тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Тўртинчи sanoat инқилоби маркази” ташкил этилади. Марказ негизда робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрика каби “Индустрия 4.0” ечимларини sanoat корхоналарида жорий этиш учун тартибга солиш механизми йўлга қўйилади.

Хорижлик экспертлар фақат сунъий интеллект йўналишининг ўзида Ўзбекистоннинг салоҳиятини 10 миллиард

долларга баҳоламоқда. Ушбу кўрсаткич, албатта, тармоқдаги бунёдкорликлар ва янги лойиҳалар самарасидир.

“Бир миллион дастурчи”дан “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси”га қадар

АТ паркларининг энг самарадор лойиҳаларидан бири “Бир миллион дастурчи” лойиҳасидир. 2024 йили лойиҳа доирасида 325 минг ёш ўқитилди. 2025 йилда эса ушбу лойиҳанинг мантиқий давоми сифатида БАА билан ҳамкорликда “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастури ишга туширилди.

Президентимизнинг ўтган йили январда Бирлашган Араб Амирликларида ташрифи чоғида турли йўналишлар, хусусан, сунъий интеллект борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш бўйича қатор келишувларга эришилди.

БАА соҳаларга сунъий интеллектни татбиқ этишда катта тажрибга эга. Бу давлат тармоқларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш босқичини босиб ўтган. Шунингдек, мамлакатда Сунъий интеллект вазирилик ташкил этилгани тармоқда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини англатади. Муҳаммад бин Зайд номидаги Сунъий интеллект университети фаолияти йўлга қўйилгани эса замонавий соҳанинг фундаментал илмий йўналиши сифатида жадал тараққиётга ҳисса қўшади.

Шу боис, ушбу давлат билан ҳамкорлик биз учун катта тажриба майдони вазирасини ўтайди. Ташриф давомида БАА вакиллари Ўзбекистонда тармоққа қаратилган алоҳида эътиборни эътироф этди. Хусусан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига алоҳида урғу берилиб, Ўзбекистондан 2025 йилда 30 миллион долларлик АТ хизматлари импорт қилинди. Шунингдек, ўзбек ёшларини масофадан туриб араб компанияларига ишга тақриб қилиш бўйича муайян ишлар бажарилди.

БАА Ўзбекистонда “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳасига инвестиция киритиш орқали ҳамкорлик қилишга иштиёқ билдирди. Бу бўйича махсус платформа яратилган. У орқали мактаб ёшдаги болалардан тортиб, катта ёшли инсонларга ҳам — ҳамма сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш бўйича керакли маълумотга эга бўлмоқда. Бу эса келгусида Ўзбекистоннинг соҳадаги етакчи мамлакатлардан бирига айланишига самарали ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, юртимиз олий таълим муассасаларида сунъий интеллект мутахассисларини тайёрловчи йўналишлар очилган. Жумладан, 13 та олий таълим муассасасида 2024/2025 ўқув йили учун 1050 та квота ажратилди. Ўқув муассасаларида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилмоқда.

Ҳозир замонавий технологияларни самарали бошқара олиш кадрлар қийматини оширади. Бугун минглаб иқтидорли ёшлар АТ ва сунъий интеллект бўйича изланиш олиб бормоқда. Уларнинг квант, дрон, робототехника каби йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш учун Рақамли технологиялар маркази

ташкил этилади. Осиё тараққиёт банки буни қўллаб-қувватлаб, 200 миллион доллар ажратишга тайёргарлигини билдирди.

Шу боис, “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаси ҳамда замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш борасидаги ишлар ўзбек ёшларининг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим қадамлардан бири. Бу, ўз навбатида, юртимизда фрилансерлик бозори ривожига катта замин ҳозирлайди.

Онлайн “gig” иқтисодиёти

Ҳозир жаҳон меҳнат бозори юқори суръатда ўзгариб бормоқда. Фаолиятнинг тобора кўп рақамли технологиялар, масофавий алоқа воситалари ва онлайн платформалар орқали бажарилиши жараёни жадаллашмоқда. Айниқса, коронавирус пандемиясидан сўнг масофавий ва мослашувчан иш шаклларига эҳтиёж кескин ошди. Натижада анъанавий, офисга асосланган бандлик тизими ўз ўрнини аста-секин “gig” иқтисодиёт, яъни вақтинчалик, лойиҳавий ва мустақил ишларга асосланган янги моделга бўшатиб бера бошлади.

Онлайн “gig” ишчилар рақамли платформалар орқали мослаштирилган, бошқариладиган ва ҳақ тўланадиган (ишбай ёки соатбай) қисқа муддатли, вазифга асосланган топшириқларни бажариш орқали даромад топадиган шахслардир. Иш одатда масофадан туриб, битта иш бериувчи учун эмас, балки бир вақтинчиги ўзида бир нечта мижоз учун буюртма асосида тижаратли муомилани амалга оширишга қаратилган бўлиши мумкин. Платформа эса топшириқларни рўйхатга олиш, иш самарадорлигини баҳолаш ва хизмат ҳақини тўлаш каби асосий вазифаларини қамраб олади.

Жаҳон банкнинг 2023 йилдаги ҳисоботида кўра, глобал миқёсда онлайн “gig” ишчилар сони 154 миллиондан 435 миллион оралиғида. Бу уларнинг жаҳон меҳнат бозоридagi улуши 4,4 фоиздан 12,5 фоизгача эканини англатади. Яна бир ҳисоботга кўра, “gig” иқтисодиёт Ҳиндистонда 2030 йилгача 90 миллионга янги иш ўрни очиб ва ЯИМнинг 1,25 фоиз ошшишига ҳисса қўишиши мумкин. Бу иқтисодий ўсиш ва бандликни таъминлашда ушбу иқтисодиётнинг ўзига хос стратегик аҳамиятини кўрсатади. Рақамлаштириш ҳамда компьютер технологиялари саводхонлигига қаратилган катта эътибор натижадада Ўзбекистон глобал онлайн “gig” иқтисодиётида ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда рақамли платформаларда ишлаш оммалашиб, аҳоли учун имкониятлар кенгайди. 2024 йилнинг учинчи чорағи якунига оид маълумотларга кўра, хорижга хизмат кўрсатувчи ИТ компаниялари сони 936 тага етди (2023 йилдагига нисбатан 170 фоиз кўпайган). 2024 йил учинчи чорағида ҳудудларнинг АТ хизматлари экспорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 баробар ошди. 2025 йилда интернет тармоғига уланган жисмоний шахслар сони 32,7 миллионга етди. Бу кўрсаткич ҳам онлайн ишчилар учун қулайлик кенгайиб бораётганидан далолат беради. Умуман, соҳа ривожига аҳоли фаровонлиги ва ёшларнинг даромадини янада оширишга замин яратмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида давлат иқтисодиётининг барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасида АТ, сунъий интеллект, финтех, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад келтирадиган сервисларни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бу эса масофавий ишлаш учун мустаҳкам асос яратётгани омилилардан бири.

Масофавий таълим “gig” иқтисодиётнинг яна бир муҳим қисmidир. Интернетдаги турли оммабоп платформаларда ўзбек тилида яратилаётган контентлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бу орқали юртдошларимиз яхшигина даромад топаётгани ҳам аини ҳақиқат. Биргина мисол: 2024 йилда Ўзбекистоннинг 35 та компанияси ушбу йўналишдан 118 миллиард сўм даромад олди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 94 фоиз кўп.

Биз рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш йўлидан бормоқдамиз. Бу — сиёсий-иқтисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизим. Унинг равнақи янги Ўзбекистоннинг барпо этиш госясининг амалга ошиши, халқ фаровонлиги ва давлатимиз тараққиётига хизмат қилади.



Нуктаи назар

Бутунги кунда ички бозорни ривожлантириш ва унда барқарор талабни шакллантириш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Бу жараён фақат аҳоли даромадларининг ўсиши ёки молиявий инструментлар кўпайиши билан чекланиб қолмайди. Энг аввало, бозорда сифат, хавфсизлик ва адолатли рақобат муҳитининг таъминлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки ички талабнинг барқарорлиги иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда аҳолининг бозорга ва давлат томонидан белгиланган қоидаларга бўлган ишончига ҳам бевосита боғлиқ.

Айнан шу жиҳат ички бозорни ривожлантириш масаласига янгича ёндашувни талаб қилади. Агар талаб жамият онгида шаклландиган ижтимоий-иқтисодий ҳолат бўлса, уни рағбатлантириш ҳам фақат молиявий ёки иқтисодий чоралар билан чекланмаслиги лозим. Бу жараёнда давлатнинг тартибга солувчи ва қанолатловчи роли алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ишонч ўз-ўзидан вужудга келмайди — у аниқ ва барқарор қоидалар, очиқ ва самарали назорат ҳамда мустақам институтлар орқали шаклланади.

Шу нуктани назардан қараганда, ички бозорда талабни рағбатлантириш сиёсати техник жиҳатдан тартибга солиш тизими билан узвий боғлиқ. Стандартлар, техник регламентлар, сертификатлаштириш ва давлат назорати бозорда адолатли рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади. Бу механизмлар бозорни чеклаш учун эмас, аксинча, унинг сифатини ошириш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий ўсишни барқарор асосга қўйиш мақсадига жорий этилади.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида белгиланган йўналишларни ўз ичига олган ҳолда, аҳолининг ишончига ҳам бевосита боғлиқ. Аҳоли даромадларининг ошиши, ипотека ва истеъмол кредит-



Азамат АБДУРАХМАНОВ,
Техник жиҳатдан тартибга
солиш соҳасида назорат
инспекцияси бошлиғи

лари имкониятларининг кенгайиши, хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши ички талабни кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз бу жараёнга бир томонлама эмас, балки мувозанатли ва тизимли ёндашмоқда. Зеро, талабнинг ўсиши ўз-ўзидан фаровонлиқни кафолатламайди. Агар бозорда маҳсулот ва хизматлар сифати, хавфсизлик талаблари ҳамда белгиланган стандартларга қатъий риоя этилмаса, иқтисодий ўсиш инсон манфаатларидан узилиб қолиши мумкин.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга катта эътибор берилляпти. Ислохотлар сабаб деҳқон ва фермерлар ишончи ортиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда арзигулик ютуқларга эришяпмиз.

Бундай янгиланишларнинг амалий ифодасини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, вилоятда ерга, умуман, тадбиркорликка муносабат тубдан ўзгарди. Натижада фойдаланишда бўлмаган ерлар қайта ўзлаштирилиб, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда замонвий технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат яратилмоқда. Биргина мисол, илгари пахта сабаб одамлар, айниқса, ёшлар мажбурий меҳнатга жалд этилларди. Янги Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга тўла барҳам берилди. Соҳага замонавий технология ва илмий ёндашув кириб келди. Мавсумий шошма-шошарлик ўрнини пухта режалаштириш ва аниқ ҳисоб-китоблар эгаллади. Бу нафақат меҳнат унумдорлигини, балки инсон қадрини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, 2025 йилда галла ва пилладан кам баракали ҳосил етиштирилди. Мева-сабзавотчилик, полиз экинлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби тармоқларда саломатлиқ натижаларга эришилди.

— Фермерлар техникка, сув, молиявий ресурслар билан қўллаб-қувватланишпти, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Зафар Рўзиев. — Қолаверса, агротехник хизматлар кучайтирилди. Натижада ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, 2025 йилда вилоятимизда 750 минг тонна галла, 320 минг тонна пахта, 110 минг тонна мева ва резаворлар, 515 минг тонна сабзавот, 330 минг тонна полиз маҳсулотлари, 115 минг тонна картошка, 60 минг тонна мойли экинлар етиштирилди. Қолаверса, 255 минг тонна гўшт, 730 минг тонна сут, 400 миллион дона тухум ва 16 минг тонна балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Айниқса, пахтачиликда муҳим бурилиш йили бўлди. Вилоятимизда 67,6 минг гектарга гўза экилиб, 320 минг тонна пахта хомашёси териб олинди. Унинг 90 фоиздан ортиғи замонавий пахта териш машиналари ёрдамида йиғиб олингани меҳнат унумдорлиги ошганидан далолат беради. Бунинг учун чипит 76 схемасида плёнка остига экилди. Техникалар шунга мослаштирилди ва сув таъминотини яхшилашга жиҳдий эътибор бердик. Айрим фермерлар гектарига 80-90 центнердан зиёд ҳосил олиб, юқори натижани кўлга киритди.

Дарҳақиқат, вилоят пахтачилигида сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Жумладан,

пахтадан ўртача ҳосилдорлик Зафарободдаги “Фориш йўллари” фермер хўжалигида 90 центнер, шу тумандаги “Янги Тонг”, Дўстлик туманидаги “Олмос Гамбой”, Зарбдор туманидаги “Ютуқ майдони”, Шароф Рашидов туманидаги “Қўргонтепа” фермер хўжаликларида 85 центнер, Арнасайдаги “Барака деҳқон пахтаси” фермер хўжалигида 80 центнер, Мирзачўлдаги “Файз Шоҳруз” фермер хўжалиги 78 центнерни ташкил этди. Бу каби намунавий хўжаликлар таърибаси бошқалар учун ибрат бўлмоқда.

— Уттан 2025 йил фермер хўжалигимиз тарихий натижаларга эришгани билан эсда қоладиган йил бўлди, — дейди “Фориш йўллари” фермер хўжалиги бошлиғи Рустам Раимқулов. — Мавсумда 40 гектарга пахта экидик. Шундан 20 гектарига Хитой селекциясига мансуб бўлган 57 навли пахтани 76 схема асосида эдик. Пахтачилик билан шуғулланаётганимиз 25 йилдан ошди. Шу давр мавойида турли шaroитларни кўрганман. Лекин 2025 йилдаги каби юқори ва самарали ҳосилни ҳеч қачон кузатмаганман. Илгари бир гектар ердан ўртача 20-25 центнер, яъни 2-2,5 тонна атрофида ҳосил олган бўлсак, 2025 йилда бир гектардан 90 центнергача, яъни қарийб 9 тонна “оқ олтин” етиштиришга эришдик. Сув таъминоти, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар ҳамда бошқа харажатларни кўшганда, тўрт йилда жамлаб эришилган натижани бу йил бир мавсумда кўлга киритдик. Ўз-ўзидан моддий манфаатдорлигимиз ҳам ошмоқда. Бу фермер хўжалигимиз аъзоларининг даромади сезиларли даражада ошишга, иқтисодий барқарорлиқнинг мустақамланишига хизмат қилди.

2025 йил камтарона меҳнатимиз давлат раҳбари томонидан юксак баҳолангани билан ҳам ёдимда қолди. Яъни қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами арафасида Президентимиз фармони билан “Шўхрат” медалига муносиб қўрилди. Бу мукофот менга куч, иштиёқ бағишлади. Жорий йилда янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиламан.

Шароф Рашидов туманидаги “Қўргонтепа” фермер хўжалиги раҳбари Абдунаби Абдурамонов 50 йилдан буюн она ерни эъозлаб меҳнат қилаётган, вилоятда биринчилардан бўлиб таъкил этилган фермер хўжалиги бошлиғи. У ана шу йиллар давомида деҳқончиликнинг барча аччиқ-чучугини босдан кечирган.

Шунинг учун ҳам ички бозорни ривожлантириш сиёсати фақат миқдорий ўсишни эмас, балки сифатли, барқарор ва аҳоли ишончига асосланган иқтисодий муҳитни шакллантиришни кўзда тутаяди.

Шу нуктани назардан, техник жиҳатдан тартибга солиш тизими ички талабни рағбатлантириш сиёсатининг кўзга кўринмас, аммо ҳал қилувчи таянчи ҳисобланади. Бу тизим бозорни чеклаш учун эмас, уни соғломлаштириш учун хизмат қилади. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги Назорат инспекцияси фаолияти бу фикрни аниқ рақамлар орқали тасдиқлайди. 2025 йилда 625 та корхонада ўтказилган давлат назоратлари натижасида текширилган 670 та маҳсулотдан 602 таси, яъни қарийб 90 фоизи техник регламент ва стандарт талабларига номувофиқ деб топилган.

Бу рақамлар бир қарашда салбий кўриниши мумкин. Аммо аслида улар давлат бозордаги реал ҳолатни яширмаётганини, муаммоларни очиқ тан олаётганини ва уларни тизимли ҳал қилишга киришганини кўрсатади. Номувофиқликлар орасида 11,5 миллиард сўмлик маҳсулот сифати талабга жавоб бермагани, 32 мингдан ортиқ ўлчаш воситаларининг 74 фоизи қиёсанмагани, 75 таси эса умуман яроқсиз ҳолда экани аниқланган. Бу ҳолатлар фақат қонунобузарлик эмас, балки аҳолининг реал харид қобилиятига тўғридан тўғри таъсир қилувчи омилдир.

Чунки ўлчовда адолат бўлмаса, нархда адолат бўлмайди. Нарх адолатсиз бўлган бозорда эса талаб сунъий тус олади. Давлатимиз раҳбари ички талабни рағбатлантириш масаласини инфляцияни жилавллаш, аҳоли даромадини ошириш билан узвий боғлаб қўйгани бежиз эмас. Сифатсиз маҳсулот — яшарин инфляция манбаидир. У инсонни қайта-қайта харажат қилишга мажбур этади, унинг реал даромадини еб қўяди.

Айниқса, аҳолининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ соҳаларда аниқланган номувофиқликлар жиҳдий сигнал сифатида қабул қилиниши керак. Текширишлар натижасида номувофиқ маҳсулотларнинг 22 фоизи озиқ-овқат, қарийб 40 фоизи қурилиш, 22 фоизи енгил саноат соҳаларига тўғри келган. Демак, стандартларга риоя қилиш бу ерда иқтисодий эмас, ижтимоий масалага айланади.

Назорат натижасида 600 нафардан ортиқ масъул шахсларга маъмурий чоралар қўрилгани, юзлаб корхоналарга нисбатан молиявий жараимлар қўлланилгани давлатнинг бозорда адолатли қоидаларни таъминлашда қатъий эканини кўрсатади. Бироқ бу сиёсат фақат жазога таяниб қолмаяпти. 2025 йилнинг ўзига 20 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига профилактика оғохлантириш хатлари юборилгани давлатнинг мутлақо янги ёндашувини ифода этади. Бу ёндашувнинг моҳияти шундаки, тадбиркор қонунга қўрқиб эмас, англаб риоя қилиши керак.

Сертификатлаштириш соҳасидаги таҳлиллар ҳам ички бозорни рағбатлантиришда сифатнинг қандай ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Минтақалар ва соҳалар кесимида минглаб сертификат ҳужжатлари ўрганилиб, юзлаб ҳолатларда камчиликлар аниқлангани сертификатнинг қозғ эмас, ишонч рамзи бўлиши лозимлигини исботлайди. Айрим сертификатларнинг бекор қилиниши бозорни чеклаш эмас, аксинча, уни тозалаш ва соғломлаштиришга қаратилган чора сифатида баҳоланиши лозим.

Назорат харидлари натижалари ҳам истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда давлатнинг фаол иштирокини кўрсатади. Чакана савдода харид қилинган маҳаллий ва импорт маҳсулотларининг қарийб ярми сифат ва хавфсизлик талабларига жавоб бермагани бозорда ишонч масаласига ҳамда долзарб эканини кўрсатади. Ишонч йўқолган жойда талаб



пасаяди, талаб пасайган жойда эса иқтисодий ўсиш секинлашади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан ҳукумат топшириқларига асосан аҳоли хавфсизлигига бевосита таъсир этувчи лифт, эскалатор, кабель, котёл, радиатор, цемент, ойна ва бошқа маҳсулотлар бўйича расмийлаштирилган 2847 та сертификат ҳужжатлари тўғрисида чуккур ўрганилди. Натижада ҳужжатларнинг қатъ қисмига рухсат берилган бўлса-да, 269 та ҳолатда аниқланган камчиликлар сабабли ҳужжатлар қайта ишлаш учун қайтарилди. Бу ҳолат сертификатлаштириш тизимида формал ёндашувга йўл қўйилмаётгани, ҳар бир ҳужжат ортда инсон ҳаёти ва хавфсизлиги тургани инобатда олинаётганидан далолат беради.

2025 йилда 76 та сертификатлаштириш идораси томонидан расмийлаштирилган 870 та мувофиқлик сертификатлари ҳужжатлари тўғрисида таҳлил қилиш натижасида 840 та ҳолатда турли камчиликлар аниқланди. Бу кўрсаткич тизимда

қилиш, лабораторияларни маъқуллаш ҳамда чакана савдода назорат харидларини ўтказиш режалари фақат йўл қўйилган камчиликлар учун айбдорни жасолашга қаратилмаган. Балки, аввало, у бундай ҳаётларнинг олдини олиш, тушунтириш ва ҳамкорликка асосланган назоратнинг янги моделини жорий этишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон шароитида ички бозор шунчаки иқтисодий майдон эмас. Бу — давлат, бизнес ва фуқаро ўртасидаги янги ижтимоий келишувдир. Давлат қоидаларни белгилайди ва назорат қилади, бизнес сифат билан рақобатлашади, фуқаро эса ишонч билан истеъмол қилади. Ички талаб ана шу уч омиш мувозанати сақлангандагина барқарор ўсади.

Зеро, аҳоли даромади ошган сари истеъмол ҳам ўсади. Аммо истеъмол фақат майдор билан эмас, сифат билан ўлчанади. Адолатли назоратдан ва жамиятда ишонч муҳитини шакллантириш орқали иқтисодий халққа хизмат қиладиган тизимга айланади.

САМАРАДОРЛИК СИРИ

ёхуд жаззахлик фермерлар эришаётган ютуқлар замиридаги ҳақиқат



— Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бераётган катта эътибори, соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар тубайли ерга, деҳқончиликка бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Ерга ишлов беришдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнга замонавий технологиялар жорий этилаётган ўзбек деҳқонининг салоҳиятини, Она замин сакхилигини тўлиқ намоян этиётди. Хўжалигимизда 30 гектар ерга хорик агротехнологияси асосида янги чигит нави экилди. Ғўзани парваришлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш замонавий техникаларда бажарилди. Натижада 85 центнердан зиёд ҳосил олдик. Бу ярим асрдан зиёд деҳқончилик фаолиятимизда рекорд натижа бўлди. Қувонарлиси, 2025 йилда узоқ йиллик меҳнат фаолиятини юксак баҳоланиб, Президентимиз фармониға кўра, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони билан тақдирландим, — дейди Абдунаби ака.

Ерга қандай ишлов беришни билиш керак. Сўнгги йиллардаги ислохотлар сабаб ташландиқ бўлиб қолган ерлар ҳам ўз эгалларини топмоқда.

— Ҳозир вилоятдаги мавжуд 504,4 минг гектар сугориладиган ва лалми ерларнинг ҳар



Галлачилик соҳасида ҳам барқарор ўсиш таъминланди. Хусусан, 88,1 минг гектар сугориладиган ерда 750 минг тонна бошоқ-ли дон етиштирилди. Яъни ўртача ҳосилдорлик гектарига 85,2 центнерни ташкил этди. Доннинг катта қисми фермерлар ихтиёрида қолиб, бу уларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Айрим туманларда гектарига 100 центнердан ортиқ ҳосил олган хўжаликлар кўпайиб бормоқда. Бу ҳам фермерлар орасида замонавий илмни ўрганиб, янги агротехника талаблари жорий этилаётганидан далолат. Айниқса, 2025 йилда жаззахлик 100 дан зиёд фермерлар ҳар гектар галладан 90-100 центнердан хирмон кўтарди. Умуман, галлачиликда эришилган юқори натижалар фермерларга 2 триллион сўмдан зиёд даромад олиб келди.

— Бутун юртимиз фермерлари барқарор ва самарали меҳнат қилиши учун кенг имкониядга “Асал моомо” фермер хўжалиги бошлиғи Абдурашид Худойбердиев. — Давлатимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, сифатли уруғлик, замонавий агротехнологиялар ҳамда моддий-техник таъминот яхшилангани самара бермоқда. Бу нафақат фермер хўжаликлари даромадини ошишига, озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

2025 йилда фермер хўжалигимизда 47 гектарга галла эдик. Унинг ҳар гектаридан ўртача 90 центнердан ҳосил олишга эришдик. Натижада 142 тонна қилиб белгиланган шартномавий режани 120 фоизга, яъни 168 тонна этиб, вилоятимизда биринчи бўлиб бажардик. Эришилган ютуқлар замирида аввало, давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигига қаратаётган доимий ғамхўрлиги, қолаверса, имкониятлардан самарали фойдаланаётган меҳнаткаш деҳқонларимиз сатъ-харажатлари, мутахассислар маслаҳати мужассам.

Табиатдаги қўллаб ўсимлик ва жониворлар учун тиним фасли бўлган қишда ҳам деҳқончиликдаги юмушлар тўхтамайди. Хусусан, сугориш тармоқлари, иншоотларини таъмирлаш, яхоб бериб, захни қочириш айнан шу фаслда амалга оширилиши шарт бўлган ишларнинг

энг муҳими ҳисобланади. Ҳар доимгидек жорий мавсумда ҳам бу ишлар ноёбнинг дастлабки кунларидан бошланган эди. Айни кунларда хўжалик ички гидротехник иншоотлари, умуман сугориш тармоқларида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Ҳозир ирригация-мелиорация тизимида амалга оширилган ишлар ҳосилдорликда муҳим аҳамиятга эга эканини деҳқону мириблар яхши билади. Ҳар йили амалга оширилаётган мавсумий ишларни бажариш билан бирга тизимда туб ўзгаришлар, замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этиш ишлари ҳам иччил давом эттирилмоқда.

Жумладан, бетон қопламали каналлар улушини ошириш, сув омборлари ва бошқа йирик иншоотларда назорат-ўлчаш ускуналари ҳамда хабар бериш тизимларини замонавийлаштириш, гидрологик постларга рақамли технологияларни жорий этиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Гидроиншоотларда реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун “Ақлли сув” (“Smart Water”) тизими жорий этилиб, объектларни бошқариш жараёни автоматлаштирилмоқда. Ҳа, жаззахлик миришкорлар учун қиш ҳам барча фаслар каби иш, ўзгаришлар, янгиланишлар мавсуми сифатида ўтаётди.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётиимизнинг том маънода таянч нуқталаридан бири сифатида шаклланмоқда. Ер эгаси — фермер, унинг меҳнати ва манфаати эса давлат сиёсати марказига чиқди. Ўз ўрнида, бу ўз самарасини бера бошлади. Муҳими, мазкур ютуқлар инсон қадри, эркин меҳнат ва адолатли муносабатлар асосида кўлга киритилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришлар нафақат иқтисодий ўсишни, балки жамият онгининг янгиланишини, келажакка ишончнинг мустақамлаётгани билан ҳам аҳамиятлilдир.

Жаззах вилояти мисолида қўйлаётган ўзгаришлар шунчаки рақамлар ёки ҳисоботлар эмас. Улар ортда минглаб инсонлар тақдирини, умиди ва ишончи мужассам. Бугун деҳқон ерга умид билан қарайди, фермер эртанги кунга ишонч билан режа қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сув ва ҳаёт

ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ

ОЛИМЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Сув хўжалиги ва ирригация соҳасидаги муаммолар кўп ҳолларда технологик имкониятлар етарли даражада жорий қилинмагани билан боғлиқ. Аънаваний сугориш усуллари сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини бермайди, мониторинг ва ҳисоб тизимларининг сустлиги эса йўқотишларни аниқлаш ҳамда тезкор чоралар кўришни қийинлаштиради. Шу нуқтаи назардан, рақамли бошқарув тизимлари, сув тежовчи технологиялар, илмий моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган ирригация ечимлари экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларида.

Бундай шароитда илм-фан ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотлар натижаси ишлаб чиқариш ва реал сектор билан туташмаган ҳолатда қутилган самарани бермайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик ташаббуслари илмий асос ва пухта таҳлилсиз барқарор ривожланиш йўлига чиқиши даргумон. Сув хўжалиги каби мураккаб ва кўп қатламли соҳада айнан

олимлар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик инновацион ечимлар шаклланиши, илмий ишланмалар тижорийлашуви ва инвестиция жараёнлари фаоллашуви учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон шароитида ирригация тизимлари қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан. Минтақанинг табиий-иқлим шароити сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар томчи сувнинг илмий асосда режалаштирилишини талаб этади. Шу жиҳатдан сув хўжалиги соҳасида инновацияларни жорий қилиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ва бизнес субъектларини бу жараёнга фаол жалб қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Ана шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, олимлар ҳамда сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, амалий ҳаракатлари натижалари билан қизиқиб, уларни сизнинг эътиборингизга ҳам ҳавола этишни маъқул кўрдик. Чунки сувни тежаш бугун ҳар биримизнинг чин инсоний ва фуқаролик бурчимизга айланиб улгурди.

ШЎРЛАНИШ ҲОЛАТИ ДАЛА ШАРОИТИДА ТЕЗКОР ВА АНИҚ БАҲОЛАНАДИ



Гавгарой ПАЛУТАШОВА, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири:

— Сув хўжалиги ва ирригация соҳасидаги илмий тадқиқотларим жараёнида бир ҳақиқатга тобора кўпроқ амин бўляпман: бугунги экологик вазият, ер ва сув ресурсларига тушаётган босим шароитида илмий ишланмаларнинг амалиётдан узилган ҳолда ривожланиши қутилган натижани бермайди. Айниқса, сугориладиган ерлар улуши юқори бўлган ҳудудларда ҳар бир илмий ечим реал

Мазкур эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти таупроқ ва сув шўрланишини аниқлашга мўлжалланган электр кондуктометр ускуналари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Улардан бугун республиканинг барча сув хўжалиги ҳудудидagi мелиоратив экспедицияларда фойдаланилмоқда. Электр кондуктометрлар таупроқ шўрланишини тезкор усулда аниқлаш имконини беради. Бу эса дала шароитида тезкор қарор қабул қилиш, агротехник тадбирларни аниқ режалаштиришга хизмат қилади.

Илмий ишланма икки модификацияда ишлаб чиқилган. Штирли Экспресс-1Т электр кондуктометри бевосита даланинг ўзида ўлчаш учун мўлжалланган бўлиб, 1 метргача чуқурликда таупроқ шўрланиши ва ҳароратини аниқлайди. Ушбу имконият экинларнинг ўсиш ривожланиши даврида илди з тизими жойлашган қатламдаги шўрланиш даражасини баҳолаш учун қулай шароит яратяди. Амалий тажрибалар нам таупроқда ушбу усул юқори аниқлик билан натижа беришини кўрсатди. Кун давомида бир неча гектар майдоннинг шўрланиш ҳолатини баҳолаш имкони мавжуд.

Иккинчи модификация сифатида ишлаб чиқилган портатив электр кондуктометр дала шароитида олинган таупроқ ҳамда сув намуналарини ўлчашга хизмат қилади. Ариқ ва дренаж-зовурлардаги сувларнинг минераллашганини жойида аниқлаш имконияти сув хўжалиги мутахассислари

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДА ИНСОН ОМИЛИГА БОҒЛИҚ ХАТОЛАР КАМАЯДИ



Бойбек ХОЛБЎЗТАЕВ, Жиззах политехника институти доценти:

— Иқлим ўзгариши, сув сатҳининг мавсумий тебраниши, вегетация даврида сувга талабнинг кескин ошиши насос станцияларининг узлуksиз ва ишончли ишлашини стратегик масалага айлантирди. Тажрибадан аёнки, кўплаб насос станцияларида сув сатҳи пасайиши билан боғлиқ узлишлар юзага келади. Сув сатҳи кескин тушиб кетган пайтларда насос агрегатлари самарадорлиги камайяди, айрим ҳолларда эса уларнинг иши вақтинча тўхтаб қолади. Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги экинларининг сув билан таъминланишида узлишлар келтириб чиқаради, сув тақсимида табеқарорлик юзага келади, ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли насос станцияларини сув танқис шароитида мослашган ҳолда модернизация қилиш масаласи долзарб илмий-амалий вазифалар сирасига қиради.

Илмий жамоамиз томонидан ишлаб чиқилган насос станцияларида сув танқис давлрларда истевмолчиларни ва сугориладиган ерларни узлуksиз сув билан таъминлашга мўлжалланган махсус қурилма ҳамда

масофавий бошқарув дастури аини масалага амалий ечим бўлиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг асосий ғояси ирригация тизими учун энг муҳим бўлган вегетация даврида сув етказиб бериш жараёнини барқарор ҳолатда ушлаб туришга қаратилган.

Мазкур лойиҳа доирасида насос станциясининг аниқ модели ишлаб чиқилди ва унга мос компьютер дастури яратилди. Дастур орқали насос станциясининг иш режимини масофадан бошқариш, сув сатҳидаги ўзгаришларни реал вақт режимда кузатиш ва тезкор чоралар кўриш имконияти яратилди. Сув сатҳи пасайган ҳолатларда махсус қурилма ёрдамида насос агрегатларининг узлуksиз ишлаши таъминланади. Бу эса сув таъминотида барқарорликни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Лойиҳанинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у фақат сугориш тизимлари билан чекланиб қолмайди. Ишлаб чиқилган масофавий бошқарув дастуридан ичимлик сув таъминоти тизимларида ҳам фойдаланиш мумкин. Амалий натижалар ҳам унинг ҳаётийлигини тасдиқлади. Ишлаб чиқилган дастур ва қурилмага Сув хўжалиги вазирлигининг ижобий хулосаси олинди, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдалаи модель сифатида патент билан ҳимояланди, компьютер дастури учун белгиланган тартибда гувоҳнома расмийлаштирилди.

Республикаимиздаги барча насос станцияларига ушбу дастур ва қурилмани татбиқ этиш имконияти мавжуд бўлиб, бу сув хўжалиги тизимининг умумий барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Аини жараёнда тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Илмий муассасалар томонидан яратилган технологияларни ишлаб чиқариш микёсида жорий қилиш, сервисини йўлга қўйиш, техник қурилмаларни ҳудудлар кесимида мослаштириш тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокчини талаб қилади. Ўз навбатида, ишбилармонлик муҳити инновацион ечимларнинг тезроқ ҳаётта татбиқ этилиши, инвестиция жалб қилиш жараёнларининг фаоллашуви учун муҳим.

ЁМҒИР ҲИСОВИГА ШЎРҲОҚ ҲУДУДЛАРНИ ТУЗСИЗЛАНТИРИШ МУМКИН



Фарҳод САЪДИЕВ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими:

— Бугунги сув танқислиги шароитида шўр ювиш жараёнига ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилиши давр талабидир. Аънаваний шўр ювиш технологиялари катта ҳажмдаги сув ресурсларини талаб қилгани туфайли вегетация даврида ёки сув етиб бормайдиган ҳудудларда уларни тўлиқ қўллаш имконияти кескин чекланган. Натижада таупроқ шўрланишини бошқариш масаласи сув ресурсларини тежаш билан чамбарчас боғланган мураккаб вазифага айланмоқда.

Аини шароитда мелиоратив тадбирларни кам сув сарфи асосида ташкил этиш, таупроқдаги филтрлаш ва деформация жараёнларини мониторинг қилиш масаласини Таллимаржон сув омбори мисолида ўргандик. Ҳуғаниш объекти сифатида айнан ушбу сув омборининг танланишини тасодиф эмас. Мазкур сув омбори Амударёдан сув олиши, еттига насос станцияси орқали тўдрилишини ва умумий сув ҳажми бир миллиард куб метрдан ошиши билан республикаимиздаги йирик ва стратегик аҳамиятга эга иншоотлар қаторига қиради. Бундай объектларда хавфсизлик масаласига илмий ёндашув асосида баҳо бериш алоҳида аҳамиятга молик.

Иланишларимизнинг асосий мақсади сув омбори грунтни тўғонида юз берадиган филтрлаш ва деформация жараёнларини мониторинг қилиш тизимини рақамли моделлаштириш асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Биосолвент мелиоранти шўр ювиш жараёнида сув сарфини кескин камайтиришга ёрдам беради. Тадқиқотлар жараёнида препаратни қўллаш орқали сув сарфини 50 фоизгача тежалашга эришилди. Шу билан бирга, таупроқдаги токсик тузларнинг ювилиши жараёни 42 фоизгача тезлашгани кузатилди. Бу натижа сув танқислиги шароитида мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун муҳим илмий-амалий асос бўлиши мумкин.

Препаратнинг таъсир механизми таупроқнинг физик ҳолатини яхшилаш билан бевосита боғлиқ. Биосолвент таупроқнинг говаклигини оширади, тузларнинг пастки қатламларга силжишини тезлаштиради ва шўрланишнинг юқори қатламларда тўпланиб қолишининг олдини олади. Мазкур жараён шўр ювиш самарадорлигини оширади, таупроқ муҳитини ўсимликлар учун қулай ҳолатга келтиради. Айниқса, вегетация даврида шўр стрессини камайтириш орқали экинларнинг ўсиш ва ривожланишида барқарорлик таъминланади.

Сирдарё вилоятида ўтказилган тадқиқотларда вегетация даврида биосолвент мелиорантдан фойдаланилган майдонларда пахтадан қўшимча 7,5 центнер ҳосил олишга эришилди. Шўр ювиш даврида қўлланган вариантларда эса қўшимча 5-6 центнер, Хоразм вилоятида ўтказилган тажрибаларда қишқи шўр ювишдан кейин вегетация даврида препарат қўлланган даладарда 10 центнердан ортиқ қўшимча пахта ҳосили олинди.

Муҳими, сув танқислиги сабабли шўр ювиш учун етарли сув ажратиб бўлмайдиган ҳудудларда ҳам ушбу препаратдан фойдаланиш мумкин. Тадқиқотларда ер шудгор қилиниб, препарат таупроқнинг юза қатламини сепилган ҳолатда атмосфера ёғини ҳисобига тузсизлантириш натижалари қайд этилди — 30-70 сантиметр қатламда тузлар микдори 30 фоизгача камайгани кузатилди.

Мазкур лойиҳа илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлиқнинг камали намунаси ҳисобланади. Биоорганик кимё институти томонидан ишлаб чиқилган препарат, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган қўллаш технологияси ва хусусий сектор иштирокидаги етказиб бериш тизими муҳим илмий-амалий босқичдир.



ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилиши, тадбиркорлик ташаббуслари билан уйғунлашиши зарур.

Республикаимиз шароитида бу масала нақадар долзарб эканини ҳолатнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир сугориладиган майдонларнинг 44,2 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бу ҳолат қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бевосита таъсир этапти. Шўрланиш жараёнининг ўз вақтида аниқланмаслиги сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради, ерларнинг мелиоратив ҳолатини оғирлаштиради, ишлаб чиқариш харажатини оширади. Шу сабабли шўрланишни дала шароитида тезкор ва аниқ баҳолаш имконини берадиган илмий ечимларга эҳтиёж кучайган.

учун муҳим ахборот манбаидир. Шу билан бирга, ушбу ускунадан деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари бевосита ўз ер майдонидида фойдаланиши мумкин. Бу эса илмий натижаларнинг кенгроқ қатламга етиб боришини таъминлайди.

Мазкур илмий ишланмаларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, кунига 150-200 та таупроқ ёки сув намунасини таҳлил қилиш имконияти лаборатория шароитида классик усуллarga нисбатан меҳнат унумдорлигини 7-8 баробаргача оширади. Кимёвий реагентлардан фойдаланилмаслиги экологик хавфсизлигини таъминлаш билан бирга харажатни қисқартиришга ёрдам беради. Шу сабабли бундай технологияларни кенг жорий қилиш масаласида тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.



Отабек ИКРОМОВ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти таъин докторанти:

— Сув омборлари хавфсизлиги масаласи нафақат муҳандислик ёндашувларини, балки чуқур илмий мониторинг ва рақамли таҳлилни

МАҚСАДИМИЗ — АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

талаб этадиган стратегик йўналиш. Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш, энергетика барқарорлиги ва ҳудудий сув таъминоти тизими бевосита сув омборлари фаолияти билан алоқадор. Шу боис, ушбу иншоотларнинг техник ҳолатини доимий ва тизимли кузатиб бориш давлат микёсидаги муҳим вазифалар қаторида туради.

Илмий манбаларда келтирилган маълумотлар гидротехник иншоотларда юз бераётган аварияларнинг салмоқли қисми — 75 фоизи грунтни тўғонлар ҳиссасига тўғри келишини тасдиқлайди. Бунинг асосий сабаби грунтни тўғонларда филтрлаш ва деформация жараёнларининг кўзга кўринмас тарзда секин ва босқичма-босқич ривожланишидир. Ушбу жараёнлар ўз вақтида аниқланмаса, тўғон барқарорлигига жиддий хавф туғдиради. Шу туфайли ҳам грунтли тўғонлар ҳолатини мониторинг

қилиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим илмий-амалий вазифадир.

Тадқиқотимиз доирасида грунтли тўғонларда филтрлаш ва деформация жараёнларини мониторинг қилиш масаласини Таллимаржон сув омбори мисолида ўргандик. Ҳуғаниш объекти сифатида айнан ушбу сув омборининг танланишини тасодиф эмас. Мазкур сув омбори Амударёдан сув олиши, еттига насос станцияси орқали тўдрилишини ва умумий сув ҳажми бир миллиард куб метрдан ошиши билан республикаимиздаги йирик ва стратегик аҳамиятга эга иншоотлар қаторига қиради. Бундай объектларда хавфсизлик масаласига илмий ёндашув асосида баҳо бериш алоҳида аҳамиятга молик.

Иланишларимизнинг асосий мақсади сув омбори грунтни тўғонида юз берадиган филтрлаш ва деформация жараёнларини мониторинг қилиш тизимини рақамли моделлаштириш асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Ушбу мақсадга эришиш учун дала лаборатория кузатувлари, замонавий ўлчов ускуналари ҳамда рақамли моделлаштириш усуллари комплекс тарзда қўлланди. Бу ёндашув реал ҳолатни аниқлаш ва келажакдаги хавф зоналарини олдиндан баҳолаш имконини берди.

Масофадан зондлаш асосида олинган натижалар дала ўлчовлари ва рақамли моделлаштириш натижалари билан ўзаро таққосланди. Мазкур ёндашув мониторинг натижаларининг ишончлигини оширди ва грунтли тўғонлардаги филтрлаш ҳамда деформация жараёнларини комплекс баҳолаш имконини яратди. Шу тариқа аънаваний ўлчов усуллари ва замонавий рақамли технологиялар уйғунлиги асосида тўғон хавфсизлигини баҳолашнинг самарали модели шакллантирилди. Бу эса, ўйлаймизки, сув хўжалиги тизимида хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим илмий-амалий босқичдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ
тайёрлади.



Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“Маромийлик” тарғибот лойиҳаси

“Пул топиб, ақл топмаганлар-а”, дер эди раҳматли момон пулни нотўғри ишлатсак. “Машаққатли меҳнатларнинг натижасини бундай исроф қилманглар, пул топиб беса-мари йўқотасанларнинг, бориб-бориб ақлини йўқотасанлар”, дер қўшиб қўярди.

Назаримда, биз шундай даврни бошдан кечиряпмиз. Кимонди тўй-ҳашамлар, таъзия маросимларидаги исрофгарликларни пул топиб, ақл топмаганлар қилди, десак ҳеч ҳам хато бўлмайди. Чунки бундай тadbирлар ҳақиқий мусобақага айланиб кетди. Унда гоилиблар бўлмайди, ҳамма ютқазади, аммо ҳеч ким бу бемаъни мусобақани тўхтатиш керак, ортиқча пулингиз бўлса, муҳтожларга ёрдам беринг; исрофгарликларнинг эртага жавоби бор, демади.

Бинобарин, Президентимиз бу муаммонинг олдини олиш зарурлигини биринчи бўлиб айтди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши

курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони иловасида 2025 йилнинг август ойигача тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниши белгиланган бўлиб қўйилди.

Айни дамда тўй-ҳашам, маърака ва маросимлардаги исрофгарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари кучайтирилиб, лойиҳалар ишлаб чиқилди.

“Маромийлик” лойиҳаси шундай лойиҳалардан. У Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари, маънавий-маърифий соҳага масъуллар, олимлар, зиёлилар, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Энди миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид турли шоуларни, ортиқча вақт ва ҳаражат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тadbир давомидидаги ва ундан кейинги ортиқча расми-русумлар — “куёв навқари”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда қақирди”, “келин қақирди”, “тоғора юбориш” ва ҳоказоларни ўтказиш тақиқланди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлаб, ўйлаб топилган ортиқча тadbирлар — “етти”, “пайшанбалик”, “йигирма”, “қирк”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “мат олашмиш” ва ҳоказоларни ўтказишга ҳам йўл қўйилмайди, тартибни бузганлар тегишли жавобгарликка тортилди.

Тўғрисини тан олиш керак, момон айтгандек бўлди: пулни бемақсад ишлатавериб, ақлни ҳам йўқотиб қўйдик. Бўғизгача қарзга ботиш, тўй қиламан деб қариндош-уругдан бегоналашиш, тўйда пул сочиш, манманлик, мақтанчоқлик ақлни йўқотишдан бошқа

ТҲЙ МАНМАНЛИК, МАҚТАНЧОҚЛИК КЎЗГУСИ ЭМАС



нарсас эмас. Ижтимоий тармоқларга ёпишиб олиш натижасида бизни ёруғ кунларга бошловчи манба — китоб ўқимай қўйдик. Китоб ўқимаслик тафаккурни торайтиради, тафаккури торлар эса ўша манманликка, мақтанчоқликка берилади.

“Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари муносабати билан уйма-уй юрганимизда ўзбек хонадонларининг 70 фоизидан китоб жавони ҳам, китоблар тўплами ҳам йўқлигига гувоҳ бўлдик. Худудларга борсангиз, одамлар “Саодат” журнали ҳали ҳам чиқатиши?”, “Тулистор” деган журнал ҳали борми?” деб савол беради. Мамлакатимизда нашр этилаётган газета-журналларнинг ҳатто номини билмайдиган мактаб директорларини маҳалла раислари бор, десам ишонаверинг.

Ақл қандай йўқолаётганини ҳаммамиз биламиз. Энди ақлни йиғиб олиш вақти келди. Бундан буёғига совчи бўлиб бораётган

хонадонимизда китоб жавони борми-йўқлигига эътибор қаратайлик.

Энди бўлажак куёвга отасининг давлатига қараб эмас, дунёқарашни, ўқинишга қараб, баҳо берайлик. Насл-насабиди зиёли, хунарли, имон-этиқодлилар борлигига қараб, ришга боғлайлик.

Мустақил дунёқарашни шаклланмаган, олий маълумот олмаган ёки ҳали бирор касб-кори йўқ йигитга қиз бериш, ҳаёт қийинчиликларини татиб кўрмаган, пул қаердан келиб, қаерга кетаётганини тушунишига ҳали анча бор эрка, тантак қизни келин қилиш оқибатида оилалар бузилaveraди, “тирик етим” лар пайдо бўлаверади.

Пандемия шароитида ўтган 30 кишилик тўй маросимларини халқимиз хайрихоҳлик билан қутиб олганди. Қани эди карантиндан кейин ҳам тўйларнинг сарф-харажати шундайлигича қолганда, зўр бўларди деган фикрлар билдирилганди ўша пайтда.

Нима учун билдирилган ўша фикрлар эсдан чиқди? Кўпчилик бўлиб маъқулласак, халқ муштарак мақсадда бир ёқадан бош чиқарса, албатта, рисоладагидек ихчам тўйлар бўлади. Бир кунлик дабдабага кетадиган маблагни ёшларнинг олий таълим олиши учун контракт пули, алоҳида уй-жой қилиши, компьютер жамламаларини олиши, тўй ўрганиши, спорт билан шуғулланишига сарфласак яхши эмасми? Албатта, яхши. Бунга тазорқ қилишимиз лозим.

Сепга бунча кўрпа-тўшак нега керак?

Тўрт қатор қилиб, хилма-хил духобадан, атласу адрасдан кўрпа, кўрпача ва ёстиқлар қилиш ҳамон урфда. Аслида, ҳозир булар нима учун керак? Уйимизда келинимиз ва ўзимиз қўшиб қилган 20 дан ортиқ кўрпа-тўшак ва шунча ёстиқ жой эгаллаб ётибди. Қишки заҳини йўқотиш учун 6 йилдан буён ҳар ёзда офтобга ёямиз ва қайтиб киритиб қўямиз. Нима қилайлик: бировга бериб бўлмас, ташлаб юборишга кўзинг қиймас.

Аксариёт келин-куёвлар бу кўрпа-тўшакдан фойдаланмайди. Чунки уларнинг ўзига мос замонавий, ихчам жомадонли кўрпа-тўшаклари ва ёстиқлари бор. Бу пахтали тўшаклар оғир бўлгани учун уларни кексалар ҳам ёпинмайди. Шундай экан, улар нега келиннинг сепига тахланади?

Қадимда узокдан келганлар тўй бўлган хонадонда бир неча кунлаб қолиб кетган. У пайтларда кўрпа олислиги, транспорт муаммоси одамларнинг бир-бириникида тунаб қолишига сабаб бўлган. Ҳозир кўпчиликнинг шахсий транспорти бор. Айтилган вақтда тўйдан чиқиб, уйига етиб олиш имкони бисёр. Ҳатто ака-ука, опа-сингилларнинг ҳам бир-бириникида ётиб қолишга кўп ҳолларда вақти йўқ. Шундай экан, сон-саноксиз кўрпа-тўшак, йиллаб жой эгаллаб турадиган чинни ва билур идишлар нима учун керак?

Сарподаги ортиқча кийим-кечаклар, бир йил ўтмай урфдан чиқиб кетадиган пойабзаллар учун ҳам пулни ақл билан ишлатадиган вақт келди. Қудаларга сотиб олинмадиган тўнлар ўша кунни елкага ташланади, холос. У зарбоф тўнларни, майда қавилган чопонларни кийиб кўчага чиқиб бўлмас. Қанча пулга олинмадиган тўнлар йиллар давомида жой эгаллаб тураверади, тураверади. У тўйдан бу тўйга, у юбилейдан бу юбилейга ўтаверади, ўтаверади. Мана бизнинг аҳолиимиз.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ота-оналарнинг фарзанди бошланғич таълимга, олий таълимга сарфлайдиган маблагини биз тасаввур ҳам қила олмаймиз. Уйини сотиб, қизини яхши мактабда ўқутган ва йиллар давомида рикша деган аравада яшаган ҳинднинг ақли заифга чиқарилиши мумкин. Бир истисно бўлган бўлса, олий маълумотли бўлиши, турли лабораторияларда тажриба ўтказиши, қўшимча ўқув дастурлари сотиб олиши учун оилалар 8 киши меҳнат қилиб, қобилиятини юзага чиқаришга ҳисса қўшган япон оиласини тушунишимиз наҳотки, шушчалар қийин.

Аксариётимиз ибратхона бўлган театрга бориши учун боламизга 50 минг сўм бермаймиз баъзида. Йил давомида уйимизга кириб келадиган хазина — газета-журналларнинг бир йиллик обунасига кетадиган пулни янги очилган кафе ёки ресторонга бориб бир кунда сарфлаймиз, ижтимоий тармоққа жойлаб, мана мен мундоқ жойда бундоқ овқат еялман, дея кўз-кўз қиламиз. Мақсаднингиз пулингиз кўпчилигини намойиш этиш-да, шундайми? Кечирасиз, боласининг ўқиши учун контракт пулини топмаётган ака, даволинишига маблаг излаётган сингил, гўдак болаларини витаминли озиқ-овқат билан таъминлай олмаётган қариндош, коммунал тўловларни тўлашга қийналаётган қўни-қўшни йўқми сизда? Йўқ бўлса, атрофда қаранг, унутмангки, машодан машога етишни ўйлайдиган, пенсия пулининг бир қисмини дори-дармонга тежаб ишлатадиган нуронийлари бор жамиятда яшашпсиз.

Юртимизда ҳалол меҳнат билан пул топиб, уни мақсадли ишлатаётган оилалар йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Улар еяётган овқати, уйи, ётоқхонаси, ошхонаси билан мақтанаётганларни ҳеч қачон тушунмайди, ўзлари ҳам мақтанмайди.

Фарзандлари билан янги-янги лойиҳалар устида ишлайди, набиралари билан шахмат ўйнайди, спорт мусобақаларига боради, қизлари билан кечалари уйқудан кечиб, илмий ишлар ёзади. Улар оилавий тadbиркорликни йўлга қўйиш учун машаққат чекишдан қўрқмайди. Улар учта иш ўрнини уч юзтага, уч мингтага етказиш ҳақида ўйлайди. Улар кибору ҳаво коррупциянинг илдири эканини билади, манманлардан узоқ юради.

Зеро, ортага қайтмас ислохотларнинг, тараққиётнинг талаби ҳам шу. Ҳар бир қадамимизни ақл билан ташлаш, ҳар бир сўми-таълим ҳисоб-китоби сарфлашни ўргатмас эканмиз, косамиз оқармайди, бошқаларга ҳавас қилиб юраверамиз.

Муносабат

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва муудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил давлат сиёсатида муҳим босқич бўлди.

Йиғилишда илгари сурилган устувор вазифалар, минтақавий ва глобал вазиятнинг тез ўзгаришчан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб олинган стратегик йўналишлар давлат хавфсизлиги масаласига фақат бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, балки келгусидаги аҳтимолий таҳдидларнинг олдиндан анигланган ҳолда ёндашишларини кўрсатди. Бу эса мамлакатнинг эртасига ишончини янада мустаҳкамлайди.

Бугун дунё кескин геосиёсий зиддиятлар майдонига айланиб бормоқда. Қуролли тўқнашувлар, иқтисодий санкциялар, ахборот уруши, мафжуравий босим ва кибертаҳдидлар давлатлар хавфсизлигига янги мазмун касб этмоқда. Энди хавф фақат ҳарбий чегараларда эмас — у онглар майдонидида, ахборот маконидида, рақамли муҳитда намоён бўлмоқда.

Президентимиз йиғилишда замонавий уруш табиати тубдан ўзгарганини таъкидлаб, бугун галаба қурол-яроғ миқдори билан эмас, технология, бошқарув самарадорлиги, инсон капитали ва интеллектуал устулик билан белгиланишини алоҳида қайд этди. Бу



Маҳфуза ЮЛДАШЕВА,
сиёсий фанлар доктори

фикрлар муудофаа соҳасида тизимли ва проактив ёндашувга ўтиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу ўринда миллий хавфсизлик масаласига кенгрок нуқтаи назардан қараш зарур. Чунки хавфсизлик фақат ҳарбий қудрат эмас, балки жамиятнинг ички барқарорлиги, фуқароларнинг давлатга ишончи, умумий қадриятлар атрофида бирлашиш қобилиятидир. Ана шу маънавий барқарорликнинг марказида ватанпарварлик тушунчаси туради.

Ватанпарварлик юксак шир ёки бир кунлик даъват эмас. У инсон онгидида, жамият маънавиятида шаклланадиган узлуксиз жараён. Юртини севган инсон тинчликни қадрлайди, ислохотларга бефарқ бўлмайди, жамият тақдирига дахлдорлик ҳиссини чуқур англайди. Бундай фуқаролик позицияси эса ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидларга қарши энг кучли маънавий қалқондир.

Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда бир ҳақиқат янада равшан кўринади: тинчлик тасодиף эмас, у онгли танлов, ақли сиёсат ва маънавий баркамоллик самараси. Тинч диёрда яшаш ҳам шунчаки ҳолат эмас, балки асраб-авайлашни, англашни ва қадрлашни талаб қиладиган неъмат.

ВАТАНПАРВАРЛИК — ЭНГ КУЧЛИ МАЪНАВИЙ ҚАЛҚОН

Ҳозир ахборот маконидида кузатилаётган турли провокациялар, ёлгон нарративлар, жамиятни бўлишга қаратилган мафжуравий таъсирлар ҳам миллий хавфсизлик учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай шароитда жамиятнинг интеллектуал иммунитетини мустаҳкамлаш, танқидий фикрлаш маданиятини ошириш, маънавий барқарорлигини таъминлаш устувор вазифага айланди.

Президентимиз нутқидида ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш, ҳарбий-илмий базани ривожлантириш, кибер ва муҳандис-техник мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Замонавий армия фақат замонавий техника эмас, балки билимли, маънавий

баркамол, ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси кучли бўлган инсонлар жамоасидир.

Шунингдек, ёш авлод тарбияси масаласи миллий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ экани ҳам алоҳида таъкидланди. Ёшлар тинчлик қандай машаққат билан қўлга киритилгани, барқарорликнинг қадрини англаб етиши, ватанпарварликни ҳаётини англаб етиши, қабул қилиши лозим. Бу эса таълим-тарбия ва маънавий ишлар тизимли олиб борилгандагина самара беради.

Мамлакат хавфсизлиги фақат ҳарбий соҳадаги чора-тадбирлар билан чекланиб қолмайди. У жамият маънавияти, фуқаролар онги, ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳити билан узвий боғлиқ. Тинч диёрда яшаш шукроналик ҳисси, ўзаро



мурсасозлик ва бағрикенглик руҳини асраш миллий барқарорликнинг энг муҳим шартларидан.

Ватанпарварлик ана шу барқарорлиқни таъминлайдиган маънавий пойдевор сифатида янги Ўзбекистон тараққиётининг ишончли қадарлати бўлиб қолмоқда. Шу пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимиз келажаги ҳам шунчалик осойишта, барқарор ва фаровон бўлади. Геосиёсий қескинлик қучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон халқаро майдонда зўравонликка эмас, мулоқотга, куч сиёсати эмас, ҳуқуқ ва ҳамкорликка таянаётган давлат сифатида майдонга чиқмоқда. Бу ёндашуш халқаро ҳуқуқ, тинчлик, толерантлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган.

Ахборот уруши даврида айнан маънавият, миллий бирлик ва ёшларнинг онгли позицияси давлат хавфсизлигининг энг муҳим омилга айланмоқда. Шу боис, ёш авлодни ватанга муҳаббат, тинчликка садоқат ва масъулият руҳида тарбиялаш масаласи стратегик аҳамият касб этади.

Хавфсизлик кенгаши йиғилишида белгиланган вазифалар Ўзбекистон миллий хавфсизлик сиёсатида комплекс ёндашуш шаклланаётганини кўрсатди. Бу ёндашуш ҳарбий қудрат, маънавий барқарорлик, интеллектуал

салоҳият ва тинчлик дипломатиясини ягона тизим сифатида қарашга асосланади. Ана шу уйғунлик мамлакатимизни турли замонавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятда ишонч ва барқарорлиқни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиладди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.